



## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Рахимова Гузалбегим Муродовна,**

Тошкент Молия Институти PhD, доцент.,

Email:guzalbegim@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

<https://orcid.org/0000-0002-8611-2139>

## IMPROVEMENT OF ACCOUNTING FOR TANGIBLE ASSETS

**Rakhimova Guzalbegim Murodovna,**

PhD, Associate Professor

Email:guzalbegim@gmail.com

Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan,

<https://orcid.org/0000-0002-8611-2139>

**JEL Classification:** M1, M4, M41

**Аннотация.** Уибу мақолада асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартар асосида юритишдаги муаммолар, Көвертиция, конвергенция ва лигализация масалалари ва уларнинг асосий воситалар ҳисобини юритишда ҳуқуқий меёррий тафоввутлар ва ўхшашилиги.

Асосий воситалар ҳисоби усул, услуг ва услубиётлари масалалари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Биз айнан IAS16 "Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар" номли молиявий ҳисобот халқаро стандартининг амалиётга жорий этилиши, ҳисоб, таҳлил ва аудитнинг услугий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишини муҳим деб билдиқ. Мазкур IAS 16 "Мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар" номли молиявий ҳисобот халқаро стандарти ва аналогик номланишига эга 5-сон "Асосий воситалар" номли БХМС ўртасидаги фарқли

жиҳатларни изоҳлаб берини илмий ишимиизда асосий масала сифатида белгиладик.

**Abstract.** Abstract. In this article, problems in accounting for fixed assets on the basis of international standards, conversion, convergence and legalization issues and their differences and similarities in legal norms in accounting for fixed assets are discussed.

Many scientists have studied the methods, methods and methods of accounting for fixed assets. We considered it important to implement the international financial reporting standard IAS16 "Property, machinery and equipment", to study the theoretical and practical basis of accounting, analysis and auditing. We defined the main issue in our scientific work to explain the differences between the international financial reporting standard IAS 16 "Property, machinery and equipment" and

BHMS No. 5 "Fixed assets" with an analogous name.

**Калим сўзлар:** асосий воситалар, ҳисоб, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари

**Keywords:** tangible assets, account, international financial reporting standards

**Кириш.** Асосий воситалар факат меҳнат воситалари бўлмай, балки корхоналарнинг моддий бойлиги ҳисобланади. У қийматга эга, шу боис мулк сифатида гаровга қўйиш мумкин. Бундан ташқари, корхона тугатилаётганда қарзларни узиш учун ўз маблағлари етишмаган ҳолатларда ушбу кўчмас мулкни сотиш орқали қарзни узиш мумкин. Асосий воситалар мулк эгасининг бойлиги ҳисобланиб, давлат ва корхона улардан самарали фойдаланишдан манфаатдор. Чунки корхона самара натижасига кўра, унинг молиявий натижаси ортади. Даромад (фойда)дан эса солиқ тўланади.

“Асосий воситалар қўйидаги гурухларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида иштирокига кўра: актив асосий воситалар; пассив асосий воситалар.

2. Фойдаланишига кўра: фойдаланишдаги асосий воситалар; захирадаги асосий воситалар.

3. Тури бўйича: ер, бино иншоот, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, мебель ваофис жиҳозлари,

компьютер жиҳозлари ва хисоблаш техникаси, транспорт воситалари, ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа асосий воситалар.

4. Мулкий эгалигига кўра: ўзига тегишли асосий воситалар; ижарага олинган асосий воситалар.

5. Ташкил топиш манбаи бўйича: ўз маблағлари ҳисобига; банк кредитлари ҳисобига ва бошқа манбалар ҳисобига”[11].

Асосий воситаларнинг характеристики, тан олиниши, амортизацияси, экириши, таъмирланиш ҳисоби асосий воситаларни бухгалтерия обьекти сифатида янада ўрганишти тақозо этади.

**Материал ва метод.** Таҳлил асосий воситалар таркиби, тузилиши ва динамикасини кўриб чиқишдан бошланади. Йил давомида асосий воситалар таркибida ўзгаришлар рўй бергани сабабли улар таркибидаги тузилмавий ўзгаришларни атрофлича таҳлил қилиш лозим.

Асосий воситалар ҳар бир турининг жами асосий воситалардаги улуши унинг тузилмасини ифодалайди. Тузилма ишлаб чиқариш хусусияти, ихтисослашув даражаси, технологиясига боғлиқ. Тузилмани таҳлил қилишда асосий воситалардаги актив ва пассив қисмларнинг нисбатига эътибор қаратиш зарур. Ишлаб чиқариш хажми асосий

воситаларнинг актив қисмига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уларнинг пассив қисми эса ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ эмас, улар фақат ишлаб чиқариш учун шароит яратади, холос.

Иқтисодиётга оид адабиётларда асосий воситалар актив қисми тўғрисида аниқ маълумот берилмаган. Баъзи иқтисодчилар [12] бино ва иншоотлардан ташқари жами асосий воситаларни, бошқа гуруҳдагилар [13] машина ва ускуналар, транспорт воситаларини актив қисмга киритадилар. Бино ва иншоотлар асосий воситалар пассив қисмига кирса ҳам, аммо электр қуввати, нефтни қайта ишлаш, газ ва бошқа соҳаларда иншоотлар актив қисм таркибига киради.

Демак, асосий воситалар актив қисмига машина ва ускуналар, компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси, транспорт воситаларини киритиш мумкин.

“Бугунги кунда меҳнат қуролларини жалб этишининг янги шакллари, масалан, лизинг ва ижаранинг бошқа шаклларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси” нинг 587-моддаси лизинг шартномасини куйидагича шарҳлайди: Лизинг

шартномаси бўйича бир томон – лизинг берувчи (ижарага берувчи) бошқа томон – лизинг оловчи (ижарачи)нинг топширифи бўйича учинчи томон – сотувчи билан ундан лизинг оловчи учун мол-мулкни харид қилиш учун битимга киришиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, лизинг оловчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади”[11].

**Натижа.** Асосий воситалар ҳаракати бўйича ҳисботда консервация қилинган асосий воситалар, узок муддатли ижара (лизинг)га олинган асосий воситалар тўғрисидаги маълумотлар ифодаланиши асосий воситаларни комплекс иқтисодий таҳлил қилиш обьектини янада кенгайтиради.

1-жадвал маълумотларига кўра, жами асосий воситалар қиймати йил бошидаги 4594,7 млрд сўмдан йил охирига келиб, 5759,9 млрд сўмга қадар кўтарилиб, 1165,2 млрд сўмга ортган.

Унинг актив қисми юқори салмоқ (67,0 фоиз)ни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 2,0 фоизга ошган ҳолда, пассив қисмининг улуши ўрганилаётган давр мобайнида 2 фоизга камайган.

#### 1-жадвал

#### Асосий воситалар тузилмаси ва динамикасининг таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил боши		Йил охири		Ўзгариши	
		сумма, млрд сўм	улуш, %	сумма, млрд сўм	улуш, %	мутлақ суммада гр3-гр1	улуш, % гр4-гр2
A	Б	1	2	3	4	5	6

1	Жами асосий воситалар, жумладан:	4593,7	100	5759,9	100	1166,2	0
2	актив қисми	2984,6	65	3856,1	67	871,5	2
3	пассив қисми	1607,1	35	1900,8	33	293,7	-2

Йил давомида асосий воситалар таркибида маълум ўзгаришлар рўй беради. Сотиб олинган ва қурилиши якунланган обьектларни ишга тушириш, модернизация ва реконструкция қилиш туфайли асосий воситалар сафи кенгаяди. Жисмоний ва маънавий эскириш туфайли уларнинг бир қисми сафдан чиқарилади.

Асосий воситаларнинг атмосфера шароитлари таъсирида ва улардан фойдаланиш жараёнида унинг моддий тузилишида ички ўзгаришлар (занглаш, чириш) содир бўлганда бошланғич ҳолати йўқолиши туфайли жисмоний эскириш рўй беради. Жисмоний эскириш асосий воситалардан фойдаланиш, улардан фойдаланилмаётган ҳолатларда ҳам содир бўлади.

Асосий воситаларнинг маънавий эскириши, уларнинг техникавий тавсифи ҳамда иқтисодий самарадорлиги давр талабидан ортда қолиши туфайли содир

бўлади.

“Маънавий эскириш икки хил бўлади: асосий воситаларни қайта ишлаб чиқаришнинг арzonроққа тушиши натижасида уларнинг қиймати камайиши; янги, илғор асосий воситаларни жорий қилиш ва уларнинг техникавий жиҳатдан орқада қолиши натижасида қийматининг пасайиб кетиши”[14].

“Асосий воситалар ҳаракатининг таҳлили қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашдан бошланади. Асосий воситаларни: ишга тушириш коэффициенти; янгиланиш коэффициенти; чиқиб кетиш коэффициенти; тугатиш коэффициенти; машина ва жиҳозлар паркини кенгайтириш коэффициенти”[15].

Асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларни таҳлил қилиш учун 2-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

## 2-жадвал

### Асосий воситалар ҳаракати

Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдик	Келиб тушган	Чиқим қилинган	Йил охирига қолдик
Асосий воситалар дастлабки қийматда, жумладан:	4594,7	1608,1	442,9	5759,9
янги асосий воситалар		590,0		
Асосий воситалар эскириши	1581,0			2496,5
Асосий воситаларнинг қолдик қиймати	3013,7			3263,4

Жадвалда кўрсатилган маълумотларга кўра, асосий воситалар ҳаракатини ифодаловчи қуйидаги коэффициентларни аниқлаймиз.

$$\frac{\text{Асосий воситаларни ишга тусириш коэффициенти (КИТ)}}{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолди}} = \frac{\text{Ишга туширилган асосий воситалар}}{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолди}}$$

$$K_{um} = \frac{1608,1}{5759,9} \cdot 100 = 27,9\%$$

$$\frac{\text{Янгиланиш коэффициенти (Кя)}}{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолди}} = \frac{\text{Янги асосий воситалар қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг йил охиридаги қолди}}$$

$$K_a = \frac{590,0}{5759,9} \cdot 100 = 10,2\%$$

Шиддатли техник тараққиёти даврида илғор замонавий технологиялар қисқа вақт мобайнида маънавий эскириб, уларнинг ўрнини янада такомиллашган технологиялар эгалламоқда.

$$\frac{\text{Чиқиб кетиш коэффициенти}}{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолди}} = \frac{\text{Асосий воситалар чиқими}}{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолди}}$$

$$K_u = \frac{442,9}{4594,7} \cdot 100 = 9,6\%$$

$$\frac{\text{Тугатиш коэффициенти}}{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолди}} = \frac{\text{Тугатилган асосий воситалар қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг йил бошига қолди}}$$

Қўйидаги хўжалик операциялари натижасида асосий воситалар корхона активлари таркибидан чиқарилади:

- реализация қилиш;
- бундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли;
- чет корхона ва шахсларга бепул берилса;
- бошқа корхоналар устав

$$\frac{\text{Алмаштириш коэффициенти}}{\text{Келиб тушган асосий воситалар}} = \frac{\text{Асосий воситалар чиқими}}{\text{Келиб тушган асосий воситалар}}$$

капиталига улуш сифатида қўшилса;

- молиявий лизинг шартномасига кўра топширилса;
- камомад ёки йўқотиш аниқланса.

Маҳсулот ассортиментини янгилаш, унинг сифатини талаб даражасига етказиш, меҳнат унумдорлигини ошириш таннархни пасайтиришда доимо ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш талаб этилади.

$$\kappa_a = \frac{442,9}{1608,1} \cdot 100 = 27,5\%$$

Машина ва жиҳозлар паркини кенгайтириш коэффициенти ( $K_k$ )=100-27,5=72,5%.

Асосий воситаларнинг техник ҳолатини куйидаги кўрсаткичлар ифодалайди: яроқлилик коэффициенти;

эскириш коэффициенти.

Асосий воситаларни яроқлилик коэффициенти ( $K_{ярок}$ ) уларнинг қолдик қийматини дастлабки қийматига бўлиш орқали аниқланади (3-жадвал).

$$K_{ярок} = \frac{1uu \cdot 012 camp}{1uu \cdot 010 camp}.$$

### 3-жадвал

#### Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охiri
1. Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати	4594,7	5759,9
2. Асосий воситалар эскириши	1581,0	2496,5
3. Асосий воситаларнинг қолдик қиймати (1к-2к)	3013,7	3263,4
4. Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти (3к:1к).100	65,5	56,6

Яроқлилик коэффициентини жами асосий воситалар, шу жумладан, асосий ишлаб чиқариш фондлари, ҳар бир асосий воситаг тури бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Куйидаги мисолда асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси йил бошидаги 65,5 фоиздан йил охирга

келиб, 56,6 фоизгача пасайган.

Асосий воситаларни эскириш коэффициенти ( $K_e$ ), уларнинг эскириш суммасини асосий воситаларнинг дастлабки қийматига бўлиш орқали аниқланади (4-жадвал).

$$K_e = \frac{1uu \cdot 011 camp}{1uu \cdot 010 camp}.$$

### 4-жадвал

#### Асосий воситаларнинг эскириш коэффициентининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати	Асосий воситаларнинг эскириши	Эскириш коэффициенти, %
Йил боши	4594,7	1581,0	34,5
Йил охiri	5759,9	2496,5	43,4
Ўзгариши	+1165,2	+915,5	+8,9

Шундай килиб, асосий воситаларнинг эскириш даражаси

динамикасини ўрганиш ёрдамида асосий ишлаб чиқариш фондлари янгиланиши,

асосий воситалардан фойдаланиш муддатларини баҳолаш мумкин. Эскириш даражаси амортизация ажратмаларини хисоблаш усуллари, асосий воситалар таркибидаги ўзгаришлар, амортизация меъёрларига боғлиқ. Таҳлил қилинаётган корхонада эскириш даражаси 34,5 %дан 43,4 %га қадар етган ҳолда, унинг яроқлилик даражаси 65,5 %дан 56,6 %га (100-43,4) га пасайган.

Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи пасаяди, фойда ва рентабеллик даражаси ортишига эришилади. Маҳсулот таннархи пасайиши, рақобатбардошликни оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони [1] муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур фармонга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни мунтазам равишда киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги техника ишлаб чиқаришга жорий этилган даврдан бошлаб, қуйидаги қўшимча имтиёзларга ҳам эга бўладилар:

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун берилган кредитларни қайтариш ва лизинг объектини тўлашга йўналтирилган

маблағлар миқдорида уч йил мобайнида фойдадан олинувчи солиқ базаси тегишли хисобот даври учун хисобланган амортизация маблағлари фойдаланиш шарти билан камайтирилади;

– ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади;

– солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилувчи ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги товар-моддий захиралар бўйича қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини тўлашда имтиёзлардан фойдаланилади.

“Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади: умумий кўрсаткичлар; якка кўрсаткичлар.

Умумий кўрсаткичларга қуйидагилар киритилади: фонд рентабеллиги; фонд қайтими; фонд сигими; асосий ишлаб чиқариш фондларидан нисбий иқтисоди”[10].

Аудит жараёнида юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилишда кўрсаткичлар динамикаси, режа бажарилиши, рақобатдаги корхоналар маълумотлари билан қиёслаш орқали асосий ишлаб чиқариш фондларидан

фойдаланиш күрсаткычларига баҳо берилади. Бозор муносабатлари шароитида асосий ишлаб чиқариш

фондларининг ҳар сүмiga түғри келувчи фойда миқдори (фонд рентабеллиги) мухим ахамият касб этади.

### *Асосий фаолиятдан күрилган фойда*

*Фонд рентабеллиги = -----*

*Асосий ишлаб чиқариши фондларининг ўртача  
йиллик қиймати*

Фонд қайтими ( $\Phi_k$ ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сүми (100,

1000 сүми) га түғри келадиган маҳсулот ( $Q$ ) ҳажмини ифодалайди.

$$\Phi_k = \frac{Q}{A_\phi}$$

Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми – 10,0 млрд сүм, асосий ишлаб чиқариш

фондларининг ўртача йиллик қиймати – 5,0 млрд сүм

$$\Phi_k = \frac{10,0}{5,0} = 2 \text{ сүм}$$

**Мунозара.** Демак, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар сүмiga түғри келувчи маҳсулот ҳажми 2 сүмни ташкил этади. Фонд қайтими барча асосий воситалар, шу жумладан, унинг актив қисми бүйича ҳам аниқланади. Күрсаткычларнинг бир неча йиллар бүйича ортиб боришини таҳлил қилишда маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондларини қиёслаш ҳолатига келтириш керак. Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) ўзгармас солиширма баҳода, асосий ишлаб чиқариш фондлари эса қайта баҳоланган (қайта баҳолаш коэффициентини қўллаш) қийматда ифодаланиши лозим.

**Хулоса.** Шу тариқа, асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш таҳлили усувларини аудит

жараёнида кенг қўллаш орқали корхонадаги асосий воситаларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли активлари таркибида сезиларли улушни эгаллаган асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни аудит ўтказиш пайтида таҳлилий амалларни қўллаш усувларини кўриб чиқамиз. Асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида таҳлилий амалларни ўтказишдан мақсад асосий воситалардан фойдаланиш күрсаткычлари динамикаси ва ўзаро боғлиқлигини оқилона аудиторлик далилларини олиш учун баҳолашни тартибга солиш.

2. Асосий воситаларнинг самарадорлик күрсаткычлари бўйича



омилли таҳлили асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки фондлар самарасини ошириш юзасидан ички имкониятлар мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил якунида хўжалик юритувчи

субъектларда асосий фондлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим иқтисодий йўналишлар белгилашни такомиллаштириш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартағи «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
2. Rahimova GM. (2021) Accounting of the results of continuous revaluation of property, plant and equipment in accordance with international standards3 (2021) / ISSN 2181-1415© 2021 in Science LLC. This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>).
3. Raximova GM, Safarov J. (2021) Audit of settlements with suppliers and contractors: the main stages of its implementation and the specifics of performing audit procedures. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science 4 (96), 443-445.
4. Raximova GM (2020)Economics and education. The main tool of calculation and audit Bilan sadlik of lohmuller, warning pop meets standard pillari. Economics and education. №4
5. Murodovna RG (2021) Analytical procedure in an audit of fixed assets. International Journal of Financial Management and and Economics, issue 01, volume 4 p. 40-452021
6. Raximova GM, Abdulxayeva S, Pirimkulov OM. Features of audit of small and medium-sized enterprises. Theoretical & Applied Science. 2020(6):101-105.
7. Islamkulov AK. Formation of the federal budget in foreign countries. Thematics Journal of Economics. 2022 Sep 17;8(2).
8. Islamkulov AK. Economic development, government spending and political factors. Thematics Journal of Economics. 2022 Sep 16;8(2).
9. Islamkulov AK. Improvement of regulation of interbudgetary relations in the Republic of Uzbekistan. Евразийское Научное Объединение. 2018(12-4):240-2.
10. Islamkulov A. Fiscal Policy Aimed at Ensuring the Equivalency of the Budget in the Medium Term in Uzbekistan. Science Review. 2019;7:443-5.
11. Шоғиёсов Т. Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодмolia, 2009.
12. Адамов Н.А. Учёт, анализ и аудит в строительстве. – М.: ФиС, 2006., Банк В.Р., Банк С.В. Бух учет и аудит в условиях банкротства. – М.: Проспект, 2006.
13. Гетьман В.Г. Финансовый учёт. 3-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2008., Николаева Г.А. Основные средства. - М.: Издательство «ПРИОР», 1999.



14. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. – М.: Инфра-М., 2008.
15. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.